XALQ DEPUTATLARI JIZZAX SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 10 - mart VI-39-39-3-55-K/22 Jizzax shahar hokimligi

Жиззах шаҳар ҳудудидаги аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари номларини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон 448-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 295-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон 483-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-4-сон Фармойиши ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 22 октябрда тасдиқланган 01-1631-сонли «Ўзбекистон Либераль демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 21 октябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви жараёнидаги таклифлари ижроси юзасидан чора-тадбирлар режаси» бажарилишини таъминлаш, шунингдек, шаҳардаги айрим кўчаларга Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар номини бериш бўйича аҳоли ва кенг жамоатчилик томонидан келиб тушган таклифларни инобатга олиб, географик объектларни номлаш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни 6, 24-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 16-моддасига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон) асосан халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 14 февралдаги 01-14-158-сонли эксперт хулосаси, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «География объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича шаҳар комиссияси»нинг 2021 йил 27 декабрдаги 01/01-616-сонли ҳамда 2022 йил 11 январдаги 01/01-103-сонли йиғилиш баённлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жиззах шаҳридаги аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари (кўчалар) номларини ўзгартириш бўйича «Қалия», «Бунёдкор» ва «Алишер Навоий» номли маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари асосида шаҳар ҳокими киритган таклифлари маъқулансин.

3. Жиззах шаҳри ҳудудидаги айрим кўчаларга Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар номини бериш тўғрисидаги таклифлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳар Статистика бўлими (Х.Шокиров), Давлат кадастрлар палатаси Жиззах шаҳар филиали (Ф.Хабибов), шаҳар Қурилиш бўлими (О.Ўринбоев) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда номлари ўзгартирилган аҳоли пунктларининг таркибий қисмларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

5. Шаҳар ИИО ФМБ (А.Муратов) номлари ўзгартирилган ҳудудларда аҳолининг фуқаролик паспортларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. География объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича шаҳар комиссияси номлари ўзгартирилган кўчаларга уларнинг номлари ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар
босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. “Жиззах овози” газетаси (С.Донишев), шаҳар телевидениями (Б.Эшонқулов)ларга ушбу қарорни тегишли тартибда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш тавсия этилсин, шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати (Х.Рахимова) қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Абдусатторова) ҳамда қарор ижросини таъминлаш география объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича шаҳар комиссияси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **К.Холмуродов**

Xalq deputatlari Jizzax shahar
Kengashining
2022 yil 10 martdagi
VI-39-39-3-55-K/22-son qaroriga
1-ilova

Жиззах шаҳри ҳудудидаги айрим кўчаларга Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар номини бериш бўйича
ТАКЛИФЛАР

Т/Р	**Географик объектнинг амалдаги номи**	**Жойлашган манзили**	**Географик объектнинг тури**	**Географик объектнинг янги номи**
1.	Бешёғоч	Қалия МФЙ	кўча	Уструшоний
	Мулканлик	Бунёдкор МФЙ	кўча	
2.	Бешқувур	Алишер Навоий МФЙ	кўча	Зафар Боймуродов